

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Сурхондарё вилояти  
Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи  
подполковник



А.А.Умаров

2022 й

**БУЮРТМАЧИ:**

**“Сурхондарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси”**

Олтинсой тумани Бўстон маҳалласида Олтинсой туман қўриқлаш бўлимини қуриш учун лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш буйича

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Олтинсой -2022**

**Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

**I. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1 Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Бўстон маҳалласида жойлашган Олтинсой тумани қўриқлаш бўлимини қуриш буйича лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлашда малакали мутахассисларга эга ташкилотлар жалб қилинади.

1.2 Танловнинг бошланғич қиймати – 94500000 **сўм** (Тўқсон тўрт миллион беш юз сўм ) сўм қушимча қиймат солиқ ҳисобланмаган ҳолда. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Энг яхши таклифларни танлаб олишни ташкил қилишнинг асосий

1.4 Мақсадлари қуйидагилар:

1.5 Энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказиш очик турда булиб, лойиҳа смета ишлаб чиқишни амалга ошириш ишлари бажариш буйича

1.6 Танлашни ўтказиш кўзда тутилган.

1.7 Тўпламлар сони: 1 комплект

1.8 Хизматларнинг бошланғич нархи ва бажариладиган ишларнинг

1.9 Тафсилоти ТЕХНИК ТОПШИРИКДА курсатилган.

1.10 Барча бирламчи руҳсат берувчи ҳужжатлар, архитектура

1.11 Режалаштириш топшириғи (АРТ), топоъемка, муҳандислик геологияси,

1.12 Гидрогеология хулосаси (талаб этилганда), АТТБ (ЗВОС) лойиҳаси ва

1.13 Экологик экспертизасидан ўтказиш, қушимча (газ, сув, электр, бургу кудуги



ва х.к.) лойиха ҳужжатлари (талаб этилганда), муаллифлик назорати ишлари, техник курик (талаб этилганда) ишлари, лойи\а-смета ҳужжатларини экспертиза куригидан утказишни молиялаштириш ва ташкил этиш билан бирга бажарилиши лозим.

1.14 - Ҳизмат курсатиш муддати: 30 кун.

1.15 - Бюджет маблағлари ҳисобидан лойихд-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни амалга ошириш хизматини курсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олишни утказишдан мақсад - мазкур объектнинг лойихд-смета ҳужжатларини ишлаб чиқадиган ташкилотни аниқлаш.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.16 - Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун .

1.17 - Ишларни бошлаш муддати шартнома тузилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## **2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1 " **Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси** (бундан кейин- "Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Почта манзили 190900, Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, Бустон маҳалласи

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов " **Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси** биносида "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси орқали конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, машина механизмлар ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.